

IX АСР ОХИРИ XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРОДА ҲУНАРМАНД ЖАМИЯТЛАРИ ВА БОШҚА КАСБИЙ УЮШМАЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИ

Зокир ТОҒАЙЕВ

тадқиқотчи

Навоий давлат педагогика институти

Навоий, Ўзбекистон

mitra7mix@mail.ru

Аннотация

Мақолада XIX аср охири XX аср бошларида Бухорода фаолият юритган ҳунарманд жамиятлари ва касаба уюшмаларининг фаолияти ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилади.

Таянч сўзлар: Бухоро, ҳунармандчилик, новвой, қоида, жазо, жарима.

ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ремесленных обществ и других ПРОФЕССИОНАЛЬНЫХ ОБЪЕДИНЕНИЙ в БУХАРЕ в КОНЦЕ XIX НАЧАЛЕ XX вв.

Зокир ТАҒАЙЕВ

исследователь

Навоийский государственный

педагогический институт

Навоий, Узбекистан

mitra7mix@mail.ru

Аннотация

Данная статья содержит комментарии о деятельности ремесленных обществ и профсоюзов действовавших в Бухаре в конце XIX начале XX вв.

Ключевые слова: Бухара, ремесло, пекарь, правило, наказание, штраф.

Шарқ дунёсида шаҳарлар азалдан савдо-сотиқ ва ҳунармандчилик маркази бўлиб келган. Ҳар бир шаҳарда аҳоли яшайдиган кўчалар ва мавзелар, улар шуғулланадиган ҳунармандчилик тармоқларига қараб номланганини тарихий далиллар тасдиқлайди. XIX аср охири XX бошларида Бухоро амирлиги шаҳар ва қишлоқларида ҳунармандчиликнинг 200 дан ортиқ тармоқлари мавжуд бўлиб, улар билан минглаб касиб ва ҳунармандлар шуғулланишган.

Бухорода ҳунармандчиликнинг заргарлик, тўқимачилик, пойабзал тикиш (пойабзалдўзлик), темирчилик, рехтгарлик (бронза қўйиш), мисгарлик, гилам тўқиш каби ўнлаб турлари тараққий этиб, уларнинг ўзига

хос бир қатор кичик тармоқлари бўлган. Пойабзал тикадиганлар этикдўз, кавушдўз, чорикдўз, маҳсидўз каби гуруҳларга бўлинган. Ҳунармандчиликда пойабзал (оёқ кийим) тикадиганлар кўп сонли бўлиб, улар сони 300 кишидан ортиқ эди. Биргина Бухоро шаҳрида 32 маҳаллада этикдўз, маҳсидўз, кавушдўзлар истиқомат қилишган. Шаҳарда 100 дан ортиқ рехтгар, 400 га яқин заргар фаолият юритган. Рехтгарларнинг 60 дан кўп, пойабзал тикувчиларни 70 дан ортиқ дўконлари бўлган, мисгарларнинг дўконлари ҳам кўп сонли бўлиб, XX аср бошларида 200 тани ташкил этган [3;36].

Ҳунармандлар ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотларни дўконда шахсан ўзлари сотган ёхуд дўкондорларга кўтара нархда топширишган. Ҳунарманчилик устахонасида уста, халфа (ўринбосар), шогирд фаолият юритиб, асосан касб-кор эгалари устанинг фарзандлари, кавм-қариндошларидан иборат эди. Бир хил буюм ишлаб чиқарадиган ҳунармандлар цехга бирлашганлар. Ҳунармандлар фаолиятини бошқариб, тартибга солиб туриш, улар орасидаги можаро ва муаммоларни ҳал этиш, солиқ масалалари билан шуғулланиш, умуман касб-кор эгалари манфаатини ҳимоя қилиш учун “Ҳунармандлар жамиятлари” (уюшмалари) ташкил этилган. Бир хил маҳсулот ишлаб чиқадиган ҳунармандлар цехини Бобо (оқсоқол) бошқариб, ушбу шахс усталар томонидан аждодлар мерос қолдирган урф-одатларга амал қилинишини қатъий назорат қилиб боришган.

Ушбу жамиятларга аъзо бўлиш учун бадал тўлаш, ариза бериш шартлари мавжуд эмасди. Диний уламолар талқини орқали ҳар бир ҳунар эгаси тарихий ёхуд диний-афсонавий шахсни ўзининг “пири” (раҳнамоси) деб ҳисоблаган. Жумладан, тўқувчилар пири Имом Аъзам, пойабзалдўзлар пири Бобойи Порадўз Бухорий, мешкобчилар пири Аббос, темирчилар пири Довуд пайғамбар, отбоқарлар пири Қамбар Ҳазрат Али ҳисобланган [1;172].

Ҳунармандлар учун қонун-қоидалар белгилаб берилган Рисола (Низом) ишлаб чиқилиб, ушбу рисола асосида барча ишлар тартибга солинган. Рисолага айрим адабиётларда тавсиф берилиб, рисоланома – бирор касб соҳа ва унинг тартиб-қоидаларига оид китобча усталар учун Низом ҳисобланган.

Ҳар бир “Рисола” кириш қисмига Оллоҳ ва унинг пайғамбарларига ҳамдусанолар битилган, бир қатор ҳунарлар ҳақида ривоятлар келтирилган [6;106].

Рисола ҳақида маълумот берар экан, Садриддин Айний: “Рисолада ҳар хил дуолар ёзилган бўлиб, ҳунарманд иш бошлаши ҳақида, иш давомида ва иш тамом бўлгач шу дуоларни ўқиши лозим. Бундан ташқари ҳунарманднинг оқсоқол, устоз, соҳибкорларга (корхона эгаларига) муносабати ҳам шу рисолада тайинлаб қўйилган бўлади... Ҳунармандларнинг қайси бири рисолада ёзилган қонидани бузса, оқсоқолга “тартибсизлик жаримаси” тўлашга мажбур эди”, деб ёзганди.

Рисоланинг иккинчи бандида ҳунармандлар ўз пирларини доимий ёдда тутишлари, пирлар руҳи учун қурбонликлар бериб туришлари, пирлари қарғишига дучор бўлмасликни доимо эслаб туришлари кераклиги ёзилган. Шунингдек, улар ўз дўконларини тоза-озода тутишлари, ўзини доимо поклаб юриши иш давомида Қуръон сураларини айтиб туриши, харидор билан илиқ муносабатда бўлиши, махсулот сифатига алоҳида эътибор бериши, уста ва шогирд муносабати, илм аҳли билан ҳамсухбат бўлиши, соф виждонли, сабртоқатли ва инсофли бўлиши кабилар баён этилган. Манбаларда келтирилишича, “Рисола”ларнинг кўплаб нусхалари сақланиб қолган. Уларда оқсоқоллар тўпланган жарима пуллари ҳисобидан пирлар руҳи учун зиёфат ташкил этиши, усталар зиёфатда хизмат қилиши, шогирдликдан халфаликка, халфаликдан усталикка кўтарилганда амалга оширилиши керак бўлган одат ва удумлар ҳам битиб қўйилган. Шогирдликдан усталикка ўтишда шогирд зиёфат бериб, унинг охирида устозига катта ҳадялар берган, зиёфатда иштирок этган уламо, оқсоқол ҳам қуруқ қолдирилмаган. Устабоши тухфаларни олганидан сўнг, бир белбоғни шогирди белига боғлаб, агар дурадгор бўлса, теша ёхуд арра, шувоқчи бўлса андава, сартарош бўлса устара ёхуд қайчи бериб, унга “Рисола”га мувофиқ мустақил иш қилишга рухсат ва фотиҳа берарди. Шундан кейин Қуръони Карим оятлари ўқилиб, “белбоғ боғлатиш” зиёфати тугатилган [2;144].

Ҳунармандлар жамияти аъзолари ўртасида ва улар ишхонасида дурадгорлар, тўқимачилар, этикдўзлар, сартарошлар, кавушдўзлар,

темирчилар, ҳатто новвойлар, деҳқонлар “Рисола”лари кенг тарғиб қилиниб, ҳар бир уста-ҳунарманд ўз рисоласидан яхшигина хабардор бўлиши керак эди. Ҳар бир соҳа “Рисола”сига тартиб берилар экан, ундаги ҳар бир хатти-ҳаракат, қоида Қуръони Карим оятлари билан асосланиб, Ҳадиси Шариф ва ривоят билан мустаҳкамланган [3;194].

Новвойлар рисоласида “Эй, ҳунар аҳли ўзингиз билан “Рисола”ни доимо олиб юринг ва унда кўрсатилган шартларни бажаринг! Ҳар бир уста ўз ҳўжайинининг рухсатисиз рисолага тегинса, у жазоланиши ва рисола тортиб олиниси керак”.

Ҳунармандлар “Рисола”сида белгиланган тартибга кўра, ишга киришгандан сўнг, биринчи уч кунда ишлаб топилган пуллар пирларнинг арвоҳига бағишланган, хайри худойи қилинган.

Рисолани яхши ўрганмаган, унга амал қилмаган ҳунарманд пирларнинг қарғишига учраши ҳақида: “Агар уста ўзи билан ушбу “Рисола”ни олиб юрса ёки бировга ўқиттириб тингласа, у пирларнинг қарғишига учрамайди ва одамлар уни шарманда қилмайдилар, шаҳардан-шаҳарга дарбадар бўлиб юрмайди”, каби огоҳлантирувчи фикрлар “Рисола”лар хотимасидан ўрин олган.

XIX аср охири XX аср бошларидаги тарихий жараёнларнинг жонли гувоҳи бўлган Садриддин Айний Бухорода энг йирик ҳунармандлар жамиятлари пойабзалдўзлар, мешкобчилар (сув етказиб берувчилар) отбоқарлар ва тўқувчиларники бўлганлигини қайд этади. Уларда оқсоқол сайлаш тартиби, миждоз билан мулоқот ҳақидаги қоидалар бандма-банд қайд этилган. Мешкобчилар жамияти аъзолари ҳовуздан сув олишда тозаликка қатъий риоя этиши, сув тўлдирилган мешкобини ҳар қандай ерга қўймаслиги, ўз мешини михга ёки дарахтга илиб қўйиши, ҳовуздан сув олганда мешкобини ҳовуз зинасига тегиб турадиган жойини ювиши, миждозга сувни ўз вақтида етказиши, “Рисола”да аниқ қилиб ёзилган. Агар мешкобчи “Рисола” қоидаларини бузса, “Арвоҳи пир” зиёфати учун 2 танга жаримага тортилган. Оқсоқол мешкобчилар жамиятига аъзо бўлганлар манфаатини

химоя қилиши туфайли унга аъзо бўлмаганлар ўзларига мешкобчи бўла олмасди [1;175].

Ҳар бир ҳунармандлар жамияти ва уюшмаларнинг “Рисола”сидаги қоидалар касбий хусусиятга қараб ўзига хос жиҳатларга ҳам эга бўлган. Масалан, шувоқчилар ва дурадгорлар жамияти қоидасига кўра, уста ва соҳибкор (уй эгаси) ўртасида зиддият келиб чиқса-ю, уста ўз ишини чала ташлаб кетса, бошқа устанинг бу иморатни тамомлашга ҳаққи бўлмаган. Фақат чала ишини уста ўзи давом эттиришни истамаса, соҳибкор устани рози қилса, ундан сўнг бошқа уста ишни давом эттирган.

Ҳунармандлар жамиятлари орасида энг эркини Отбоқарлар жамияти бўлиб, бу жамиятга аравакашлар ҳам аъзо бўлиб кирганлар. Отбоқарлар жамияти оқсоқоли қилиб, энг катта ёшли кекса отбоқарлардан бири сайланган.

Бу жамият “Рисола”си қоидаларига кўра, биринчидан, касбни эгаллаган ёш отбоқарлар, “белбоғ боғлаш” маросими ва зиёфатини ўтказмай иш бошлайверишарди. Иккинчидан, бу жамиятда тўпланадиган, пуллар жарима ҳисобидан эмас, балки аъзоларни ишга жойлаштириш йўли билан йиғиларди. Учинчидан, оқсоқол талаб қилинган жойга бир ёки бир неча отбоқар ишга жойлаштирилса, хўжайиндан 2 танга, ишчи ўринга эга бўлгандан ҳам 2 танга оларди.

Бироқ, ушбу восита билан тўпланган пуллар оқсоқол эҳтиёжи учун эмас, ишсиз қолган отбоқарлар оиласига сарф қилинган. Рисолага кўра, ишсиз қолган отбоқарлар таъминоти улар навча (янги) ишга жойлашгунча оқсоқол зиммасида бўлган. Бироқ битта оти борлар жамият бошқарувчисининг рухсатисиз отбоқар олаверишган. Таъкидлаш жоизки, ҳунармандларнинг пойабзалдўзлар ва тўқувчилар жамиятларида “бўнак” (иш ҳаққини олдиндан бериш) кенг тарқалган бўлиб, оддий усталар доимо қарздорга айлантириб қўйилган [1;177].

XIX аср охири XX аср бошларида ҳунарманд жамиятлари ва бошқа касбий уюшмалардан ташқари ижтимоий характердаги жамият, уюшма, клуб ва тўғарақларнинг тезлик билан вужудга келиши ҳамда кўпайиши даври

кузатилади. Ушбу тарихий босқичда Россия империясининг 60 дан ортик губерния, шаҳар уездларида 2000 га яқин жамият ва уюшмалар фаолият юритган [4; 122].

XIX асрнинг охири XX аср бошларида империянинг мустамлакаси ҳисобланган Туркистонда хайр-эҳсон, меҳр-мурувват кўрсатиш ва касбий йўналишда ўнлаб жамиятлар тузилди. Ушбу жамиятлар орасида алоҳида олинган касб эгаларини бирлаштирувчи “Овчилар жамияти”, “Ҳайвонларни асраш, кўпайтириш ва уларга ҳомийлик қилиш жамияти”, “Велосипедчилар жамияти”, “Ветеринар врачларнинг Туркистон жамияти”, “Официант ошпаз ва уй хизматчилари касбий уюшмаси”, “Доришунослар уюшмаси” “Босмахона ходимлари иттифоқи”, “Ҳисобчилар ва идора ходимлари уюшмаси”, “Ўрта Осиё саноат артели”, “Тошкент спортчилари ва гимнастика ихлосмандлари жамияти”, “Тошкент мусиқа драма (артистлар) жамияти” каби жамоатчилик асосида ишлайдиган уюшмаларни санаб ўтиш мумкин.

Айниқса, 1914-1916 йилларда биргина қочоқлар манфаатини ҳимоя қилиш ҳамда улар фаолиятини тартибга солиш бўйича тузилган ташкилот, комитет, уюшма ва турли туман кенгашлари сони 1200 тага етган. Бундан ташқари “Умумроссия қочоқларга ҳомийлик қилиш жамияти” (1914 йил сентябрдан 1917 йил 28 февралгача фаолият юритган)нинг биргина Туркистонда 4 та комитети (бўлими) мавжуд эди [4; 124]. Демак, Туркистон ҳам уюшма ва жамиятлар тузилиши жараёнидан четда эмасди.

Ушбу жамиятнинг Низоми Россия ҳарбий вазири А.Ридигеръ томонидан 1909 йил нинг 10 феввалида тасдиқланган. Демак, шу кундан бошлаб жамият ўз фаолиятини расман ва амалда юрита бошлаган. Жамиятнинг Низоми Алишер Навоий номли Ўзбекистон Миллий кутубхонаси фондида сақланади [5;11]. Жамият Низоми 5 бўлим, 33 параграфдан иборат бўлиб, унда аввало уюшманинг ташкил қилинишидан кўзланган мақсад ва вазифалар баён этилган. Низомда келтирилишича, жамият ветеринария ва чорвачилик соҳасини ривожлантириш билан боғлиқ илмий вазифаларнинг режасини ишлаб чиқиши, касбий ва маиший масалалар билан шуғулланиши, Туркистонда ветеринария билимлари ва ютуқларини

тарғиб қилиши, уларни амалиётга татбиқ этиши каби вазифаларни бажариши зарур эди.

Шунингдек, ўлкада ветеринар-даволаш пунктлари очиш, ветеринария соҳасида кўргазма (виставка)лар ташкил этиш, махсус ветеринария ўқув курсларига асос солиш, микроскопик, бактериологик музей очиш ветеринария соҳасида аҳолига маърузалар ўқиш, ушбу йўналишда адабиётларни чоп қилдириш каби вазифалар ҳам Низомда аниқ кўрсатиб қўйилган. Жамиятга доимий аъзолар сифатида фақат ветврачлар кира олиши ҳуқуқига эга бўлган.

Бундан ташқари ҳайвонлар мусобақаси билан шуғулланувчилар ҳамжамияти доимий аъзолигига қабул қилишда йиллик бадал 5 рубль бўлган, жамиятга тўлиқ аъзо бўлиб кириш учун 25 рубль бадал тўланган. Умр бўйи жамиятга аъзо бўлиб киришни истовчилар учун бадал пули 40 рублни ташкил этган ва бундай шахслар барча бошқа бадаллардан озод этилган. Жамият аъзоларидан кимки 2 йил давомида сурункасига бадал пулини тўламаса, бундай шахслар жамият аъзолигидан чиқарилган. Жамият бошқарувида раис, раис ўринбосари, хазиначи, котиб кабилар фаолият юритиб, ҳар ойда бир марта йиғилиш ўтказилган, қарорлар йиғилиш иштирокчиларининг 3/2 қисми маъқулланганидан сўнг қабул қилинган. Ҳисобот йиғилиши бир йилда бир марта ўтказилиб, фавқулодда йиғилиш зарурати туғилса, жамият раиси буйруғини 6 нафар ҳақиқий аъзо маъқуллаб имзо чекканидан сўнг бу мажлис чақирилган [5; 1-3].

Архив манбаларининг таҳлили шуни кўрсатадики, жамият ҳузурида Россия империяси маркази ва хориждан келтирилган ветеринария соҳасига оид китоблар жамланган кутубхона ташкил этилган. Шунингдек, музейга ҳам асос солиниб, бу музей “Ветеринария бурчаги” сифатида мавжуд бўлган.

Жамият аъзолари 1914 йилда 70 дан ортиқ бўлиб, улар ҳайвонларни даволаш ҳисобидан жамият ҳисобига маблағ туширган. Ветеринарларнинг Туркистон вилоятлари бўйлаб сайёр гуруҳлари жамият аъзолари сифатида шаҳар ва қишлоқларида бўлиб, уй ҳайвонлари (қорамол, қўй, от, эчки, туя, ит, мушук ва ҳ.к)ни даволашда аҳолига амалий ёрдам кўрсатишган. Қутурган

хайвонларга нисбатан ўлим жазоси қўлланиб, бошқа ҳайвонларга улар касали юқишининг олди олинган. Маҳаллий аҳоли вакиллари ҳам жамият аъзоларига ўз чорваси ва уй ҳайвонларини даволашда мурожаат қилганини тарихий далиллар тасдиқлайди.

Хуллас, XIX аср охири ва XX аср бошларида Туркистон минтақасида ва Бухорода ўнлаб ҳунарманд жамиятлари ва касбий характердаги уюшмалар фаолият юритиб, улар ижтимоий-иқтисодий, маиший ҳаётдаги жараёнларни тартибга солишда, аҳолининг ҳунарманд ҳамда меҳнаткаш қисми манфаатини ҳимоя қилишда имкон қадар иштирок этганлар. Бу каби жамият ва уюшмаларнинг “Рисола”си (Низом) ишлаб чиқилиб, уларда ислом мафкураси асос қилиб олинган. Жамият ва уюшмалар фаолиятида диний уламолар таъсири кучли бўлганлигини маълумотлар тасдиқлайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Айний, Садриддин. Асарлар. 8 томлик. 6-том. – Тошкент, 1965.
2. Остонов О.А. Зарафшон воҳасида ҳунармандчилик, тадбиркорлик ва савдо-сотиқ (XIX аср охири XX аср бошларида). – Тошкент: Sharq. 2013.
3. Сухарева О.А. Бухара XIX начало XX вв. (позднефеодалный город и его население). – Москва: Наука, 1966.
4. Суржикова Н.В. Проблема беженцев в конфликтах и компромиссах властей и общественности России в годы Первой мировой войны. //Вестник Пермского университета, 2016. – Выпуск 1(32).
5. Устав Туркестанского общества ветеринарных врачей. /Паровая типо-литогр. О.А.Порцева в Ташкент. – Ташкент, 1910.
6. Қиличев Р., Қўзиева Х. Ҳунармандчилик атамаларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Фан: 2005.